

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.ЗИЯЕВ

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши 72

Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ

Қарши топонимлари тадқиқотчиси..... 76

Н.АЛИБОЕВА

Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши 80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш..... 84

А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ

Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари..... 88

Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ

Лицей, коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш..... 92

Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ҲОМИДОВ

Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психологик-коррекцион усулларнинг мослиги ва самарадорлиги муаммолари 96

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.НЕЪМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндисининг максимумини баҳолаш ҳақида 100

А.ЮСУПОВА, С. УКТАМОВ

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида 102

Р.УМУРЗАКОВ

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий муҳит 104

М.САИДАКБАРОВА

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима 106

Ф.ОРИПЖОНОВА

Фарида Афрўз лирикаси 109

Д.ХОДЖИМЕТОВА

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш..... 111

Л.СИНДОРОВ

“Ҳибатул-ҳақойиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида 113

У.УМУРЗАКОВА

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир..... 116

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ

Оиладаги маънавий муҳитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили..... 118

М.БАҲРОМОВА

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги 121

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи..... 124

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Фарғона давлат университети (собик олий педагогика институти)нинг иккинчи директори Босит Қориев 127

“ҲИБАТУЛ-ҲАҚОЙИҚ” ДАГИ АЙРИМ ЎЗЛАШМАЛАР ХУСУСИДА

Л.Синдоров

Аннотация

Мақолада Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асаридаги баъзи ўзлашма сўзларнинг семалари, этимологияси ёритилган. «Ҳибатул-ҳақойиқ»даги ўзлашма қатламга оид лексик бирликлар қадимги туркий тил ва қорахонийлар даври ҳамда XIV аср манбаларида қўлланилган сўзлар билан қиёсий таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье рассматривается этимология и семы некоторых заимствованных слов в произведении "Хибат уль-Хакаиқ" ("Подарок истин") Ахмада Югнаки. Сделан сопоставительный анализ лексических единиц, относящихся к заимствованным словам в произведении "Хибат уль-Хакаиқ" с древним тюркским языком периода Караханидов, а также словами, использованными в источниках XIV века.

Annotation

In this article semes and etymology of some derived words used in "Hibatul haqoyiq" by Ahmad Yugnakiy are expounded. Lexical items on the derived layer of words in "Hibatul haqoyiq" are comparatively analysed with old Turkic language and the words of Karakhaniy period as well XIV century sources.

Таянч сўз ва иборалар: Аҳмад Югнакий, "Ҳибатул-ҳақойиқ", ички манба, ташқи манба, арабча сўзлар, форсча сўзлар, синонимия, сема, лексема, лексик бирлик, қадимги туркий тил.

Ключевые слова и выражения: Ахмад Югнаки, внутренний источник, внешний источник, арабские слова, персидские слова, лексическая единица, древний тюркский язык.

Keywords and expressions: Ahmad Yugnaki, "Hibatul haqoyiq", inner sources, Arabic words, Persian words, synonymy, seme, lexeme, lexical item, old Turkic language.

Ҳар бир тил сўз яшаш, уни янги маъноларда қўлланиш каби ички имкониятларидан ташқари, ташқи омиллар таъсирида, яъни бошқа тиллардан лисоний бирликларни қабул қилиш орқали ҳам ривожланиб, бойиб боради. Албатта, бу жараён муайян тил қонуниятлари асосида амалга ошади.

Жаҳонда ҳеч бир тил йўқки, унинг луғат таркиби фақат ўз сўзларидан ташкил топган бўлса. Бошқа тиллардан олинган сўзлар ё ўша тилда ўз шаклини қандай бўлса, шундайлигича сақлайди ёки унинг лексик тизими, табиати, грамматик қурилиши, сўз ясалиши ва имло қоидаларига уйғунлашади [1.34].

Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида ички имкониятлари муҳим манба ҳисобланади. Шунга қарамасдан, дунёдаги ҳеч бир тил ўз ички имкониятларига таяниб иш кўрмаганидек, ўзбек тили учун ҳам фақат ўз сўзлари ва имкониятларигина кифоя қилмайди. Ўзбек тили сўз бойлигининг такомиллашувида ташқи манба ҳам сезиларли ўрин эгаллайди. Умуман, ҳар қандай тил соф ҳолда яшай олмайди [2.103]. Бинобарин, турли тилларга мансуб халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, қўшничилик ва савдо-сотик алоқалари улар тилларининг

тараққиёти, биринчи навбатда, лексикасига ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Пировардида сўз алмашиш ва ўзлаштириш ҳолатлари юз беради. Ушбу жараён тарихий шароитларга боғлиқ тарзда турлича кечади. Ўзлашмалар лексик фонднинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини кузатишда ҳамда ўзга тилларнинг туркий тиллар, жумладан, ўзбек адабий тили ривожига ролини аниқлашда алоҳида ўрин тутуди. Шу ўринда айтиш керакки, ўзбек тилига ўзлашмаларнинг кириб келишини қадимий манбалар луғат таркибини ўрганиш орқали билиб олиш мумкин. Жумладан, суғдча **аҷун** сўзи Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида "дунё, борлиқ", "ҳаёт" маъноларида келтирилган: *Bu ačun kōrārgā kērūmlūk tashī [3]; Baqasiz erür bu ačun lazzatī.* Термин илк мартаба Турфон матнларида "мавжудлик, борлиқ" семасида ифодаланган: *Örgä ajundaqī qīlinč* – мавжудликдан олдинги фаолият (ДТС,74). "Тафсир"да сўзнинг **ajun** (4067), **ačun** фонетик вариантлари кўзга ташланади: *Tilärsizlär dunyānīḡ bezäkini ya'ni ačunnī* (3,2). "Муҳаббатнома"да **ačun** (292a6), "Хусрав ва Ширин"да **ajun** (33610) шакллари кузатилади. Ўрганилаётган манбада арабча **dunyā**,

Л.Синдоров – ЖизДПИ докторанти.

ўзлашмаси ҳам “борлиқ, дунё” семасини англатган: *Bu kün bar yarın yoq bu dunyā nāñi*. **Dunyā** ўзлашмаси “яқин бўлди, яқин жойда жойлашди” маъносини англатувчи **danā** феълидан ҳосил қилинган [4.112].

Арабча **avval** сўзи тадқиқот объекти қилиб олинган асарда илк бор қўлланиб, «биринчи навбатда», «олдин» семаларини ифодалаган: *Arī zahri tatqu asaldin avval*. XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги маъноларда ифодаланган: «биринчи, дастлаб»: *Avval körüşkāniñ aytur* (Мн,291а11); «бошида»: *Tekmā fasl avvalında bir hadis keltürdük* (НФ,2а12); «бошқатдан, қайтадан»: *Šarbatnī habib ilindān alīb ičtim dađi umrnī avvaldan hisāb etdim* (Г,121611). Бу арабча сўз **avvalu** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига фатҳали ҳамзани а товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **avvalu** → **аввал** [5.9].

Ёдномада «сиғиниш, топиниш» маъноси **ibādat** ўзлашмаси орқали ёритилган: *Ibādat riyā boldi*. **ibādat** → **ибāдат** «сиғинди», «сажда қилди» маъносини англатувчи **abāda** феълининг I боб масдари бўлиб, «сиғиниш», «Оллоҳга қўллуқ қилиш» маъносини билдиради [5.154].

Қисса луғат таркибида Худо томонидан Муҳаммад алайҳиссалом орқали юборилган охириги диний таълимотни англатган **islām** лексемаси даставвал «Ҳибатул-ҳақойиқ» достонида келтирилган: *Ĝarib erdi islām ğarib boldi baz*. **islām** → **ислām** асли **salima** феълининг «бўйсунди», «бош эгди» маъносини англатувчи IV боб шакли **islata** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида «Оллоҳга итоат қилиш», мусулмон бўлиш, **al** артикли билан ишлатилганида эса, «ислом дини» маъносини англатади. Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг исми сифатида ҳам қўлланилади [5.175].

«Эркин, ҳур» маъносини англатган **āzād** ўзлашмаси биринчи бор Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида ишлатилган: *Tözü qul qilurlar azad özlärin*. XIV аср Хоразм ёдномаларида қуйидаги маъноларни билдирган: а) «эркин, ҳур»: *Hoja zanjir ičindā qul āzād* (Г,148а2); б) «қулликдан озод этилган шахс»: *Taqi Abubakmuñ āzādī bir erdi* (НФ,12612).

«Ҳибатул-ҳақойиқ» достонида «адолат» маъноси **dād** ўзлашмаси орқали ёритиб берилган: *Dad insaf tutar čin Anuširvaniy*.

Лексема XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги семаларда келган: 1) «адолат»: *Ol čibčuq haq ta’alā hazratindin dād tilägäy* (НФ,9367); 2) «фиғон, нола»: *Falak dādini alğay* (ХШ,11067). Бундан ташқари, ўрганилаётган ёдномада сўзнинг арабча **adl** синоними ҳам ишлатилган: *Āğār bolsa adliñ qatiğliq māñä*. **Adl** лексемаси **ʔadl (un)** шаклига эга; “тўппа-тўғри шаклга эга бўлди” маъносини англатувчи **ʔadala** феълининг I боб масдари бўлиб, шу феълнинг “адолатли бўлди” кўчма маъноси асосида ҳосил қилинган [5.14-15].

«Сир» тушунчасини ифодаловчи **rāz** ўзлашмаси дастлаб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида кузатилади: *Qatiğ kizlä rāzin kiši bilmäsün*. Лексема XIV асрда Хоразм ҳудудида битилган обидалар луғат таркибида ҳам айни семада кўзга ташланади: *Nišānsizdan xabarsiz ne degäy rāz* (Г,5а1).

Xuš ўзлашмаси илк марта Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” достонида “яхши, дуруст” маъносида келган: *Ārif raqs čiqarib etār xuš sama’*. Ушбу сўз XIV аср Хоразм манбаларида «қувонч»: *...Xuš ičkil rāhnirayhān ičindā* (Мн.,294 б 7), “яхши, дуруст”: *Xuš aytiti pardadār ewdā kiši yoq* (Г, 156 а 3) маъноларида учрайди. Кези келганда айтиш лозимки, текширилаётган ўзлашма янги сўзлар ҳосил қилишда ҳам иштирок қилган: *Yürügil tilägil özün xuşluğin*. Бундан ташқари, обида тилида сўзнинг туркий **ezgü** синоними қўлланилган: *Qilıqlarda ezgü qiliq qoy (хоу) qiliq*.

Асардаги ўзлашма қатламга оид лексик бирликлар қадимги туркий тил ва қорахонийлар даври ҳамда XIV аср манбаларида қўлланилган сўзлар билан қиёсий таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, аксарият истилоҳлар ўзининг туб маъносида учрайди, баъзиларида эса маъно кенгайиши ҳодисаси кузатилади.

“Ҳибатул-ҳақойиқ” асосан панд-насиҳат мазмунда бўлганлиги учун унда диний тушунчаларни ифодаловчи форсий ва арабий сўзлар 20 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, ўша давр учун характерли бўлган тил ҳодисаларини кузатиш мумкин.

Хуллас, бу асар орқали эски туркий тилдан эски ўзбек адабий тилига муҳим қадам қўйилганлигини, унинг Кошғардан Хуросонгача бўлган туркий элатлар тилини ўзида акс эттирганлиги ва ҳаммага манзур бўлганлигини билиб олиш мумкин.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР:

Г– Сайфи Сарайи. Гулистан бит –турки//Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. I-II. –Т.: Фан, 1966-1971.

ДТС – Древнетюркский словарь. –Л.: Наука, 1969. -676 с.

МК – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. I-III. –Т.: Фан, 1960-1963.

Мн– Хоразми. Мухаббат-наме//Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV в. I-II. –Т.: Фан, 1966-1971.

НФ – Нахджул – фарадис//Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV в. I-II. –Т.: Фан, 1966-1971.

Тафсир– Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тefsира XII- XIII. вв. –М.: Изд-во восточной лит-ры, 1963.

ХШ – Кутб. Хосрав и Ширин//Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV в. I-II. –Т.: Фан, 1966-1971.

Адабиётлар:

1. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: ФАН, 1985.
3. Мисоллар Қозоқбой Маҳмудовнинг “Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” асари ҳақида” китобида келтирилган матндан олинди. – Т.: Фан, 1972.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (форсча-тожикча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Т.: Университет, 2009.
5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). – Т.: Университет, 2001.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).